

ҚИШЛОҚ ХАЖАКТИ

1991 йил 11 сентябрь

ЧОРШАНБА

№ 177 (5.220)

БАҲОСИ 8 ТИНИН

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ҳафтада беш марта чоп этилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

**ЎРТОҚ РУСТАМ ҲУСНОВИЧ АХМЕДОВНИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА
ИШЛАРИ ВАЗИРИ — МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ
ҚУМОНДОНИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ
ТУҒРИСИДА**

Ўртоқ Рустам Ҳуснович Ахмедов Ўзбекистон Республикасининг мудофаа ишлари вазири — миллий гвардия қумондони этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 10 сентябрь.

Рустам Ҳуснович АХМЕДОВ



1943 йилда Фарғона вилоятининг Бағдош районидида туғилган, Ўзбек, КПСС аъзоси, олий маълумотли, Бронетанк қўшинлари ҳарбий академиясини битирган. Ҳарбий билим юртини тугаллагандан кейин СССР Қурулди Кучларининг турли қисмларида — танк взводи командиридан Тошкент вилояти фуқаро мудофааси бошқаруви ўринбосари — штаб бошлиғигача бўлган лавозимларда хизмат қилди. Халқ депутатлари Тошкент вилоят Советининг депутаты.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

**ЎРТОҚ А. МАХМУДОВНИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ
КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ
ТУҒРИСИДА**


Ўртоқ Анвар Махмудов Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо ва чет эллар билан алоқа давлат комитетининг раиси вазифасидан овоз қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт комитетининг Раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 10 сентябрь.

Анвар МАХМУДОВ



1945 йилда Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ районидида туғилган, Ўзбек, КПСС аъзоси, олий маълумотли, 1976 йилда Тошкент политехника институтини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1963 йилда Тошкент тепловоз депозити слесарликларида бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

**ЎРТОҚ Э. Ж. БОҚИБОЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING РАИСИ ЭТИБ
ТАЙИНЛАШ ТУҒРИСИДА**

Ўртоқ Эркин Жўраевич Боқибоев Ўзбекистон Республикаси Давлат банки бошқарувининг раиси вазифасидан овоз қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 10 сентябрь.

Эркин Жўраевич БОҚИБОЕВ

1934 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, Ўзбек, КПСС аъзоси, олий маълумотли, 1957 йилда Тошкент иқтисодиёт институтини битирган. Меҳнат фаолиятини Фарғона вилояти давлат банки Япон ва Олтириқ бўлимларининг кредит инспекторлигидан бошлаган. Банк тизимининг турли лавозимларида ишлаган, Ўзбекистон Республикаси Давлат банки бошқарувининг раиси бўлган. Ўзбекистон Республикасининг халқ депутаты. «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган иқтисодчи»



фахрий унвонига сазовор бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

**ЎРТОҚ У. Т. СУЛТОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ САВДО ВА ЧЕТ
ЭЛЛАР БИЛАН АЛОҚА ДАВЛАТ
КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ЭТИБ
ТАЙИНЛАШ ТУҒРИСИДА**

Ўртоқ Ўткир Тўхтамуротович Султонов Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо ва чет эллар билан алоқа давлат комитетининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 10 сентябрь.

ОҚ КАРВОН

Андижон вилоятининг ганжум шаҳарлари, серфайз қишлоқлари, тароватли дала-тузлари мустақиллик нафасидан антикайтган диллар ҳушудлигидан сармаст. Мустақиллик гўнаҳсининг очилгани рост бўлсин, рушнолик сабосининг эса бошлангани барҳақ бўлсин. Иллар армони шу эди-да. Файз қочган тўйларга жамоа гуррос-гуррос кела бошлади. Нойхоналар ўзбекча суҳан-донлиқни гарр. Дала ший-понларини, хирмонларини, пахта пайкаллариини айтмай, сизми. Бўтақора қирларида, Асака адирларида, Шаҳрихонсой соҳилларида ястанган ашшиликлар оламиди, Комсомолбод, Баличи, Бўзнинг кўза етмас кенгликлариди оқ карвон йўлга чиқди. Олди эмас, мустақиллик баргига талпинган карвон бу.

Сезмаслигини, ҳис этмаслигини мумкин эмас. Бу галги пахта терими ўзгача шукху билан бошланди. Баладларовоз қақирқларининг уни ўтган, қўлоқ-қўлоқ ширларининг қаноти қайрилган, лекин кўнглида бардам рух, соғломлик ҳукмрон ҳолда бошланди бу галги терим. Бунинг олтинқуллик деҳқонлар айна ҳам теранроқ ҳис қилишди. Чунки улар вилоятда пешқадамлардан бўлиб, айнан дорилоним кунларда пахта теримига киришдилар.

Калинин номи жамоа ҳўжалиги дорунини вилоят аҳли яхши билади. Урни салмоқли, одамлари меҳнат-севар, ориятли. Пахта йиғим-теримини ҳамма вақт уюшқоқлик билан ўтказиб, ҳосилни барвақт йиғиштириб олишга одатланишган. Теримнинг дастлабки кунлариданоқ Қўрчибой Содиқов, Ҳасанали Омоновлар етакчилик қилишадиган бригада-ларда 1,5 фонга отказиб пахта тайёрлана бошланди. Бир неча кун ичидаёқ кундалик ўснш 2—2,5 фонга кўтарилди. Энг муҳими терилаётган пахтанинг тозалиги, толасининг пишқиллиги кишини қувонтиради.

— Турли миш-мишлар, юз бераётган иқтисодий танглик ҳақидаги баҳималар пахта теримига таъсир қилади, деб ўйлаётган эдим. — дейди Қўрчибой ана. — Йўқ, одамларнинг вазилиги, теримнинг кунлиги, теримини ҳўшудли билан бошланди. Халқимиз шунча фаросатли, узқини ўйлаб иш тутадиган халқ. Ҳосилни ҳазиллакам машаққат билан яратганим. Ўз меҳнатининг қадрига етаётганидан қувоняман.

— Шунча алғов-далғовлар ҳам пахтакорнинг мувозана-тини бузолганми, — дея суҳбатни давом эттиради Ҳасанали ана. Теримни жуда совишталлик билан бошладик. Аъзоларимиз ўзини ўзи билан меҳнат қилиш-ти. Бригадирнинг буйруғини кутиб ўтиришгани йўқ. Суръат кун сайин кўтарила-пти.

Теримчиларнинг чехрала-рида тундликнинг сояси ҳам

йўқ. Ана, Мунаввархон Абдураҳмонова. Бармоқлари тобора чаққон ҳаракатлана бошлади. Фартуғи ҳадемай оппоқ булут янглиш пахтага тўлиб тошди. Енидагиси Озодаҳон Қўшоқова. Учинчиси Ойимхон Авазова. Бир-биридан чаққон, бири-биридан ғайратли ва шижоатли. Пахта териш нақадар машаққатли бўлса-да, зорланмиш-ган мана шу нондон азиз пахтани тезроқ ёғин-сочин-ли қўнларга қолдирмай териб олишга аҳд қилишган. Уларни ҳеч ким уйғотгани, теримга чорлагани йўқ. Пахта очилди, териб олиш керак, вассалом. У тупроққа, лойга қоришиб ироф бўлиши мумкин эмас. Ҳеч қачон бундай бўлмаган, бўлмайди ҳам. Пахтага тўлган этакини бўшатаётган Мунаввархонни суҳбатга тортаман:

— Биринчи кунни қанча пахта тердингиз, энди қанчадан таяяйсиз?

— Дастлабки кунни 80 килограммга аранг етказган эдим. Ҳозир 140—150 килограммдан ошираялман.

— Озодаҳон билан Ойимхон-чи?

— Улар ҳам шундай. Ҳеч биримиз ортда қолмаялми.

Уч дугона... Пахтазорга салобат бағишлаб турган уч олмос чўққи, Ўзбекининг машаққатли, оғир меҳнатини тараннум этган уч жушқин ирмоқ. Уларнинг шу митти панжаридан ўтаётган сутдек момиқ Ўзбекистоннинг улкан хирмонини бунёд этади. Уларнинг бутунги фидойи меҳнатлари эртанги ютуқларимизга пойдевор бўлади. Мени тўғри тушуяпти. Бу уч дугона ҳар килограмм пахтага 40 тийин тўланаётган учун жонбозлик кўрсатишадигани йўқ. Сариқ чақа беришмаган кунларда ҳам шундай пахта теришган. Бугун ҳам шундай. Мен бу теримчиларни элимнинг ор ва номуни дегим келди.

Бундай чеварлар жалабекликлар орасида жуда кўп. 3080 тонналик хирмонини ана шуларнинг заҳматнаш бармоқлари бунёд этажак. Пахтакорнинг ўз касбига бўлган садоқатини намойиш қилажак.

Ҳа, Андижон йўлларига оқ карвонлар чиқди. Уларнинг адоғи ҳали-бери қўри-майди. Карвон кун сайин зичлашиб шиддатли тус ола-пти. Улар карвонига дастлабки кунданёқ Ҳўжабод районидидаги Ойбек номи, Улугбек номи, Ленин районидидаги «Правда Востока» жамоа ҳўжаликлари, Андижон районидидаги Ленин номи, Марҳаматдаги «Андижон 50 йиллиги» давлат ҳўжаликлари карвонлари ҳам қўшилиб кетди. Оқ карвон йўлга чиққан экан, дилда бир олам қўвонч билан унга оқ йўл тилаймиз. Мустақиллик шукху билан отланган карвоннинг йўли эса ҳаммаша бехатар бўлсин.

А. ҚОРАБОВЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»
мухбири.


МАШИНАГА МОСЛАБ

Тошкент вилоятини уруқ-ли пахтани таялаб теришга санокли кўнлар қолди. Ҳозирги доллар вазида — гўза баргини тўқитишга киришилди иборат. Шу мақсадда мавжуд 750 та дорини қўриққан ОБХ — 28 мосламаларининг ҳаммаси ишга шай қилиб қўйилди.

Вилоятнинг «Ғалаба», Бўча, Ўрта Чирчиқ районларида дефляцияли ишлари ҳозирдаёқ бошлаб юборилди. Пойтахт янгиёти пахтазорларида бу йил жами 123 минг гектар майдонда гўза барги тўқитилади.

Ў.ТАГ.

Ўткир Тўхтамуротович СУЛТОНОВ



1939 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, Ўзбек, КПСС аъзоси, олий маълумотли, 1964 йилда Томск политехника институтини тамомлаган.

меҳнат фаолиятини Тошкент шаҳридаги 116-почта қўтисининг электрликларида бошлаган. 1966 йилдан 1985 йилгача В. П. Чкалов номи Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида турли лавозимларда ишлаган. Олди муҳандисликдан шу бирлашма бош директори-нинг ўринбосарлигига кўтарилган. 1985 йилда Ўзбекистон Республикасининг Янгики илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларидан бири — «Восток» ИИБга бошчилик қилган. «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган муҳандис» фахрий унвонига сазовор бўлган.

ОИЛАВИЙ ПУДРАТЧИЛАР

Бу йил табиат инжиқлик-лари деҳқонларга кўп ташвиш туғдирди. Қўнларнинг охири ва ёз бошларида рўй берган кучли ёғингарчилик-лар экинзорларга жиддий зарар етказди. Офат оқибат-ларини бартараф этиш, дала-ларда мўлжалдаги ҳосилни тўплаш учун икки-уч ҳис-са ғайрат билан ишлашга тўғри келди. Ўза парвари-лида илгор тажрибига амал қилиш, меҳнатни ташкил этишнинг замонавий усул-ларини, хусусан, пудратчи қўн-ларни тўғайли ноқулай шарт-ларда ҳам пахтакорларимиз мўл ва эртанги ҳосил етиштиришга муваффақ бўл-дилар.

Усмон Юсупов районидидаги Ульёнов номи давлат ҳўжа-лиги чўлқувларини ёз бўйи фидокорона тер тўқитишди. Натижада пахтани ҳатто ўт-ган йилгидан ҳам барвақт-роқ очилишига эришдилар. Бу ерда гўза баргини тўқити-ш 1990 йилга нисбатан 20 кун аввал бошланди. Мазкур тадбир фақат ерус-ти механизмлари ёрдамида амалга оширилмоқда. Ушбу усул ҳўжаликка 70 минг сўмнинг тежаж имконияти бе-ради.

— Заршуносларимиз қар-ийб 3 минг гектар майдон-да деҳқончилик қилмоқда-лар, — дейди бош агроном Фаёулла Аннамуродов. — Дастлабта 8 минг тонна си-фатли оқ олтин сотишни мўлжаллаганми. Пайкалла-да бундан ҳам зиёд пахта бор. Уни етиштириш учун мавжуд 57 та бригада аъзо-лари астойдил ишлайдилар. Бу жамоалардан 14 таси оилавий бригадалардир.

Шубҳасиз пудратчилар меҳнат қилган пахтазорлар-да ҳосил чўғи кўпроқ. Бунинг Жўракул Ҳазратқулов бош-лиқ оилавий бригада дала-лари яққол исботлайди.

СУРАТДА: бригада бош-лиғи Жўракул Ҳазратқулов (ўнгда) аъзолари Суво-кул Қорлиев ва Бобокўл Қаршиев билан.

Ш. ШАРОПОВ
олган сурат.
(Ў.ТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ

КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ РАИСИ
ТУҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати қа-рор қилади:

1. Ўртоқ Эркин Жўраевич Боқибоев бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Давлат банки бошқарувининг раиси вазифасидан овоз қилиниб, ўртоқ Фаёулла Мақсуджонович Муллажоновнинг ушбу ва-зифани бажаришига рухсат берилсин.

2. Э. Ж. Боқибоев ва Ф. М. Муллажонов ўртоқлар ҳақидаги масалалар Ўзбекистон Республикаси Олий Кен-гашининг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙҮЛДОВЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 9 сентябрь.

Фаёулла Мақсуджонович МУЛЛАЖОНОВ



1975 йилда Тошкент халқ ҳўжалиги илмгоҳини битир-ган.

Меҳнат фаолиятини дав-лат банки Сирдарё бўлими-нинг кредит инспектори ла-возимидан бошлаган.

Банк тизимининг турли лавозимларида ишлаган, Ўз-бекистон Республикаси Дав-лат банки Сирдарё вилоят бошқарувининг бошлиғи бўл-ган.

Халқ депутатлари Сир-дарё вилоят Советининг де-путати.

Э. ИБРОХИМОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»
мухбири.

